

ПОМИР ЛАНДШАФТЛАРИ ВА МУЗЛИКЛАРИНИНГ АСИММЕТРИК ТАРҚАЛИШИДА ОРОГРАФИК ТЎСИҚНИНГ РОЛИ

Абдулқосимов А.А., Баширов А.Н.

Самарқанд давлат университети

Мақолада Помир ландшафтлари ва музликлари ва Ғарбий ва Шарқий Помирда иқлим минтақаларининг фарқлари, ландшафт комплекслари тўғрисида статистик маълумотлар муфассал ёритилган.

Помир тоғли ўлкасининг табиий географик шароитида, ландшафт комплексларининг ривожланиш хусусиятларида, тоғ тизмалари ва массивларида музликлар, фирн қор далаларини вужудга келиши ва ривожланишида ҳамда уларнинг экспозициялар бўйича тарқалишида кўзга яққол ташланиб турадиган ички тафовутлар мавжуд. Ички тафовутлар тоғ тизмалари ва массивларининг орографик тузилишида, рельеф шаклларида, иқлим шароитларида, ички сувлари ва музликларининг географик тақсимланишида, тупроқ-ўсимлик қопламида, ҳайвонот оламида, ландшафт комплексларида ва уларнинг структуравий тузилишида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Помир тоғ системасининг табиий географик ва иқлим шароитларида, ландшафт комплекслари структурасида ва музликларнинг тоғ тизмалари ёнбағирлари бўйлаб тақсимланишида ички тафовутларнинг вужудга келиши бевосита орографик тўсиқнинг таъсири билан боғлиқ. Помир тоғли ўлкасининг табиий географик ва иқлим шароитида, ландшафт комплекслари структурасида ва музликларнинг экспозиция бўйлаб жойлашишида мавжуд бўлган ички тафовутлар уни икки қисмга - Ғарбий Помир ва Шарқий Помирга бўлишга имкон беради.

Ғарбий ва Шарқий Помирда баландликка кўтарилган сари иқлим минтақалари алмашилиб боради. Тоғларда иқлим анча салқин, ҳатто совуқ, фақат водийларнинг иқлими бироз илиқроқ. Лекин Помирнинг ғарбий қисмини иқлими билан шарқий қисмини иқлими ўртасида кескин тафовутлар мавжуд. Бундай иқлим тафовутларининг вужудга келишида меридионал йўналишида жойлашган тоғ тизмаларининг роли жуда ҳам катта. Бундай тоғ тизмалари Помирда тўсиқлик (барьерлик) вазифасини бажаради ва ҳаво массалари таркибидаги намликни қайта тақсимлайди. Ғарбий Помирнинг иқлим шароити Шарқий Помирнинг иқлим шароитига нисбатан илиқроқ. Бу ерда ҳаво ҳарорати юқорироқ, атмосфера ёғинлари кўпроқ, илиқ кунлар узокроқ давом этади, тоғ тизмаларида музликлар яхши ривожланган. Ғарбий Помирнинг водийларида январнинг ўртача ҳарорати $-7,4^{\circ}\text{C}$ ни, июннинг ўртача ҳарорати $22,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Вегетация даври Хоруғда 223 кунга тенг. Ўртача йиллик ёғин миқдори водийларда 100-260 мм дан тоғ ёнбағирлари бўйлаб 800 мм гача кўпайиб боради. Федченко музлигида ҳатто 1100 мм гача ёғин ёғади. Ёғин асосан март-апрел ва қиш ойларида ёғади. Баъзи тоғ тизмаларида қорнинг қалинлиги 80-100 см гача етди.

Шарқий Помирнинг иқлими Ғарбий Помирнинг иқлимига нисбатан анча қуруқ ва кескин континентал. Унинг теварак-атрофи баланд тоғ тизмалари

билан ўраб олинганлиги туфайли бу ерга нам ва илиқ ҳаво массалари кириб келаолмайди. Бунинг натижасида ёз ойлари исиб, қиш ойлари жуда совуб кетади. Январ ойининг ўртача ҳарорати 3600 м баландликда $-17,8^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Мутлақ минимал ҳарорат -50°C гача пасаяди. Қиш октябрдан апрелгача давом этади. Ёз қисқа ва салқин бўлади. Июннинг ўртача ҳарорати 15°C дан ошмайди, максимал ҳарорат 30°C гача кўтарилади. Атмосфера ёғинлари Шарқий Помирга ниҳоят даражада кам тушади, кўп жойларда йиллик ёғин миқдори 100 мм га ҳам етмайди. Қоракўл атрофи Ўрта Осиёда ёғиннинг энг кам тушадиган жойи бўлиб, йиллик ёғин миқдори 60 мм га ҳам етмайди. Айрим йилларда ёғингарчилик умуман кузатилмайди. Шунинг учун ҳам Шарқий Помирда фирн қор далалари ва музликларнинг шаклланишига ва ривожланишига шарт-шароит мавжуд эмас. Бундай ҳолат Помир тоғ системаси доирасида ландшафтларнинг ва музликларнинг асимметриясини вужудга келишига имконият яратади.

Биобарин, Помир тоғ системаси табиатида мавжуд компонентларга тааллуқли бўлиб қолмасдан, балки унинг ландшафт комплексларини вертикал дифференциацияланишида ва музликларнинг географик тақсимланишида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган. Юқорида географик компонентлар бўйича таҳлил қилинган ички тафовутлар ландшафт комплекслари ва музликларининг асимметриясини вужудга келишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг эътирофи этиш жоизки, Помир тоғ системасида ландшафт комплекслари ва музликларнинг асимметриясини вужудга келишида, шаклланишида ва намоён бўлишида асосий орографик тўсиқ ва у билан бевосита боғлиқ равишда иқлим омили етакчи роль ўйнайди. Помир тоғ системасини Ғарбий ва Шарқий Помирга бўлинишида Фанлар Академияси тоғ тизмаси орографик тўсиқ (барьер) ва табиий чегара вазифасини бажаради (Абдулқосимов, 1990, 2012),

Тоғли табиий географик ўлкаларда ландшафтлар асимметрияси фақат тоғ ёнбағирлари ва уларнинг экспозициялари учун характерли бўлиб қолмасдан, балки баланд тоғ тепаларидаги ландшафт комплекслари, шу жумладан музликлар учун ҳам характерлидир. Помирда музликларнинг асимметрияси учун ғарбий ва шарқий қисмларида ўзининг яққол ифодасини топган. Альп ва Кавказ тоғли табиий географик ўлкалари баланд тоғ тизмаларидан таркиб топганлиги сабабли Ўрта Осиё тоғ системалари каби ҳозирги замон музликларига жуда ҳам бой. Мазкур тоғ системаларида ҳам музликларнинг асимметрик тарқалиши ҳар бир тоғ тизмаларида кўзга яққол ташланиб туради. Масалан, узунлиги 1100 км масофага чўзилган ва майдони 145000 кв.км атрофида бўлган Катта Кавказ тоғ тизмасида музликларнинг сони 2047 тага етади, умумий майдони эса 1424 кв.км ни ташкил этади. Музликлар майдонининг 70% Катта Кавказнинг шимолий ёнбағрига, 30% и эса жанубий ёнбағрига тўғри келади. Бу табиатда ландшафтлар асимметрияси каби музликлар асимметрияси мавжудлигининг исботидир. Катта Кавказ тоғ тизмасида ҳам музликлар асимметриясини вужудга келиши ва шаклланиши орографик тўсиқ омили билан боғлиқдир (Абдулқосимов

2012). Қуйида Ғарбий ва Шарқий Помирнинг баландлик ландшафт зоналарига қисқача қиёсий тариф бериб ўтамиз.

Ғарбий Помирнинг ҳозирги ландшафт комплекслари ва уларнинг баландлик минтақалар (зоналар) бўйлаб тақсимланиши голоценда вужудга келган. Ғарбий Помирнинг ландшафт зоналари биохилма-хилликка ва биомассаларга нисбатан бойлиги билан Шарқий Помир ландшафт зоналаридан ажралиб туради. Ғарбий Помирнинг тоғ водийларини қуйи қисмида тоғ тизмаларининг 1600 м дан 3200 м гача бўлган баландликларда қорамтир бўз тупроқларида ва оч тусли кўнғир тупроқларда шаклланган тоғ чўл ва чала чўл ландшафт комплекслари учрайди. Тоғ тизмаларининг 3200-3700 м баландликлари оралиғида ишқорсизланган оч тусли кўнғир тупроқларда тоғли ксерофит ландшафт минтақаси жойлашган. Бу минтақада акантолимонлар, акантофиллутлар, эспарцетлар, астрагаллар, тиконли ёстиқсимон ўсимликлар кенг тарқалган. Ғарбий Помир тоғ тизмаларининг 3700-4000 м баландликларда тоғ дашт ландшафт минтақаси жойлашган. Мазкур ландшафт минтақаси тоғ ёнбағрида ёппасига эмас, балки ороллар шаклида, тарқоқ ҳолда тарқалган. Бу типдаги ландшафтлар шимолда ўтлоқ-дашт, жанубда чўл-дашт тупроқларда ривож топган. Минтақанинг ландшафт структурасида чалов ва бетагали даштлар кўпроқ учрайди. Тоғ тизмаларининг 4000-4500 м баландликларида криофил ландшафт минтақаси, ундан юқорида 4500-4700 м баландликларда сийрак субнивал ландшафт комплекслари тарқалган. Тоғ тизмаларининг энг баланд қисмларини гляциал-нивал ландшафт зонаси эгаллаб олган. Мазкур зона абадий қор ва музликлардан таркиб топган.

Шарқий Помир ландшафт комплексларининг баландлик минтақалар бўйлаб шаклланишга ҳам Ғарбий Помир ландшафт комплексларига ўхшаб голоценда содир бўлган. Аммо Шарқий Помирнинг иқлим шароити кескин континентал ва ўта қуруқ бўлганлиги туфайли баландлик минтақаларнинг чегаралари унча аниқ ифодаланмаган. Бу ердаги ландшафт минтақалари бири-бири билан юзлаб метр кенгликдаги полосалар ҳосил қилиб алмашинади. Шарқий Помирда қуйидаги ландшафт минтақаларини кузатиш мумкин. Шарқий Помирнинг 3400-4200 м баландликларида бўз кўнғир баланд тоғ чўл тупроқларида тоғ чўл ландшафт минтақаси жойлашган. 4200-4700 м баландликда чўл-дашт баланд тоғ тупроқларида тоғли ксерофит ландшафт минтақаси ҳукмронлик қилади. 3600-4600 м баландликда чўл-дашт тупроқларида ривожланган ва кичик-кичик массивлар шаклида учрайдиган қиёқли ва буғдойиқли тоғ-дашт ландшафт минтақаси учрайди. Шарқий Помирнинг 4700-5000 м баландликларида оддий баланд тоғ тупроқларида криофит ландшафт минтақаси вужудга келган. Аҳён-аҳёнда ўтлоқлардан ташкил топган мезофит ландшафтлари кўзга ташланади. Шарқий Помирнинг энг баланд ички районларида, Қорақўл, Рангқўл, Шўркўл ва Зўркўл ботиқларида бархан қумли, тошлоқ ва шўрхок чўл ландшафт комплекслари яхши ривожланган. Аммо бу регионда абадий қор ва музликлардан ташкил топган гляциал-нивал ландшафт зонаси шаклланмаган.

//Фарғона водийси: табиати-аҳолиси-хўжалиги янги тадқиқотларда (геоэкологик жиҳатлари). Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. —Фарғона, 2015.